

Сайфуллаева Р., Ҳамроева Ҳ.

**О. ШАРАФИДДИНОВ АСАРЛАРИ ТИЛИНИНГ АЙРИМ  
ХУСУСИЯТЛАРИ ҲАҚИДА**

Сайфуллаева Р., Ҳамроева Ҳ.

**НЕКОТОРЫЕ СВОЙСТВА ЯЗЫКОВЫХ ИГР О.ШАРАФИДДИНОВА  
ОБРАБОТАНЫ В ЭЛЕКТРОННОМ ФОРМАТЕ**

*R. Saifullaeva, Kh. Khamroeva*

**SOME PROPERTIES OF LANGUAGE GAMES O. SHARAFIDDINOV  
PROCESSED IN ELECTRONIC FORMAT**

Мақолада муҳтарам устоз ҳаётимизнинг қайси жабхаларига дикқат қўлганини ўқувчига тақдим этиши қийин, шунинг учун сизга булардан айримларини ўз ичига олган схемани (чизмани) ҳавола этдик. Бу чизмада келтирилган тасвирларни ҳали давом этириши мумкин. Мақолаларни ўқиган ҳар бир инсон устознинг ҳалқимиз кўнглидаги гапларни ифода этгандарига амин бўлади.

Муҳтарам Президентимизнинг қайд этган "Ҳар бир инсон ўзича тақорорланмасдир" жумласи жамиятимиз келажаги учун меҳнат қилган ва меҳнат қилаётган ҳар бир шахсга, хусусан, адабиётшунос, мунаққид, таржимон, публицист Озод Шарафиддиновга ҳам бевосита тааллуклидир.

Сўнгги давр ёзувчилари бадиий асарлари тилини лингвистик жиҳатдан ўрганишга эҳтиёж ошиди ва лингвопоэтик таҳдилга эътибор кучайди. Бу йўналишда бир катор ишлар амалга оширилди. Хусусан, Чўлпон,Faфур Ғулом, Ойбек, Шукур Холмирзаев каби сўз усталари ижодини ўрганишга бағишлиланган тадқиқотлар олиб борилган. Бизнинг таҳдил манбайимиз устоз О.Шарафиддиновнинг "Довондаги ўйлар" китобига кирган публицистик мақолалардир. Публицистик услуг ҳакида А.Шомақсудов, И.Расулов, Р.Кўнгуроев, X.Рустамовларнинг "Ўзбек тили стилистикаси" (1977), Р.Кўнгуроев, Э.Бегматов, Б.Тожиевларнинг "Нутқ маданияти ва стилистикаси" (1992) ўкув кўлланмаларида маълумотлар бор. Т.И. Курбонов номзодлик диссертацияси, умуман, ўзбек тилининг публицистик услуги таҳдилига бағишлиланган бўлса, Ж.Жумабаевнинг илмий ишида бу услугда кўлланган кўшма гаплар тадқиқ обьекти килиб олинган. Таҳдил объектимиз бўлган асарлар ҳозирча махсус ўрганилмаган, шунинг учун ҳам ҳалқимиз, жамиятимизга нисбатан меҳр-муҳаббат, инсоний мурувват масалаларининг ҳаётий воқеа-ходисалар орқали тасвирланишига эътибор берилади.

О.Шарафиддинов асарларида ҳалқимиз ҳаётининг ҳар хил томонлари ўз ифодасини топган. Адид яшаган давр воқеа-ходисаларини ҳаққоний тасвирлайди, масалан:

1) "Ислом Абдуғаниевич Каримов Президентлик лавозимига келган кезларда замон оғир, кечаги иттифоқда алгов-далгов авж олган, кўп жойларда тўўлар гумбурлаб, кўча-куйлар танкларнинг ваҳимали садосига тўлиб кетганди. Ўзбекистон ҳам тўрт томони ёнгин билан қуршалган оролга ўхшарди."

2) "Ҳатто собиқ шўролар ҳудудида ҳам қонли можаролар тўхтамади, етим қолган болаларнинг фарёди тинмади. Сайёра осмони яна қора булатларга чулганди."

3) "Ҳамманинг юзида табассум, ҳамма бир-бирини олқишилаган, бир-бирига яхши тилаклар билдирган, ўз-ўзидан давра олиниб, ашула-ўйинлар бошланди, бир зумда аллақаётдан қиздириб олиб келинган чилдирманинг гижсанги ҳаволарни титратди."

Мана шу уч парчада ҳалқимиз ва собиқ шўролар ҳудудида яшовчи бошқа ҳалқлар ҳаёти ҳамда Мустақиллик зълон қилинишининг севинчлари тасвирланган. Биринчи ва иккинчи матнларда шу тасвир икки гап орқали ифодаланган. 1-парчада ҳар икки гап – содда, 2-парчада – тенг таркибли кўшма ва содда гаплардир. 3-парчада тенг таркибли ёйик кўшма гап икки қисмдан иборат ва улар кенгайтирилган, шунинг учун устоз турли ҳодисаларни тасвирлаш учун улардан усталик билан фойдаланган.

Воқеа-ходисалар тасвири ўқувчи онгига ўчмас из қолдириши учун ёзувчи ҳалқ мақоллари-ю маталларини унумли ишлатган: "...Жунбушига келган оломон орасига дадил кириб бориб, у билан юзма-юз гаплашиши – қайнаб турган дошқозоннинг ичига тушишдай гап!" ёки "Айниқса, икки-учта энг синашта, энг яқин дўстлар ҳалқининг аҳволи оғир экани, ўзбек деҳқони "миллион жўякларга таралиб яшаётгани", саратон дошқозоннинг ичига тушиб пахта етишишиётгани, лекин бу оғир меҳнатининг самараларидан ўзи баҳраманд бўлмаётгани, косаси оқармаётгани, бўзчи белбоққа ёлчимай умр кечираётгани тўғрисида кўп гаплашардик." Мана шу ажратиб кўрсатилган сўз бирималарини ҳалқимиз бошидан ўтказган лавҳалар асосида яратган ва хозирги матн

парчаларида ёзувчи уларни муносиб ўринга жойлаштирган.

Севимли адид ўз қаҳрамонининг ташки қиёфасини ҳам жуда чиройли қилиб тасвирлаган. Улардан айримларини келтирамиз:

1. 1991 йил 31 август куни Ўзбекистон Республикасининг мустаҳиллигини эълон қилганида, юртимизнинг биринчи Президенти ҳам 50 ёшидан эндигина ўтган, миқти жуссаси, ажинсиз юзларидан нур ёғилиб турган навқирон қиёфада эди.
2. Шарофатхон ўрта бўйли, оқ магиз, гавдаси тиқмачоқдек, кулча юзли, қўй кўзли, фарқини сочининг ўртасидан очган, сочини иккита қилиб ўриб орқасига ташлаб олган, пардоз-андозга ружу қўймаган, бусиз ҳам икки бети тип-тиник, майдо-чуйда қизил томирчалари тарам-тарам кўриниб турган бир қиз эди.

Келтирилган бу бирликлар – ёйик содда гаплар, ҳар иккисининг кесими от+тўлиқсиз феъль шаклида келган (...навқирон қиёфада эди. ...бир қиз эди.) гап марказидир, яъни [WPm]. Ҳар икки гап маркази ёйиқ ҳоллар билан кенгайтирилган ва шунинг учун ҳам ёзувчидаги қиёфани тасвирлашда имкониятлар кўп бўлган ҳамда бу ҳолатни яна давом эттириш мумкин. Иккичи мисолдан кейинги уюшиқ кесимли содда гап орқали эса, қаҳрамонининг феъли ифодаланган: "У жуда босик, оғир, ўн гапирганингизда зўрга битта жавоб берар, бўлар-бўлмасга ҳиринг-ҳиринг кулавермасди." Бу гапнинг энг кичик курилиш колипи [S<sub>1</sub>-(W<sub>1</sub>P<sub>1</sub>,W<sub>2</sub>P<sub>2</sub>)m] дир.

"Одамларнинг чехраси ёришган, қадлари тетик, гапиришлари бардам, кўзларида кўпдан орзиқиб купиаган ёргу кунлар етиб келгани учун чексиз мамнуният ифодаси чақнайди" гапида эса ташки қиёфа тасвири орқали адид одамларнинг ички хиссиётларини ифодаламокда. Бир қарашда содда гапга ўхшаган бирлик, кўшма гап бўлиб, тўрт қисмдан (...чехраси ёришган; қадлари тетик; гапиришлари бардам, ...мамнуният ифодаси чақнайди), биринчи уч қисмда тире (-) белгисини кўйиш лозим эди. Бу гап кесимларидан учтаси  $\emptyset$  кўрсаткич билан, тўртинчиси [P<sub>t</sub>]=-й+-ди билан шаклланган. Бу ҳол гапнинг таъсир кучини янада кучайтирган.

Кўйидаги гапга эътибор берайлик: "Мен котибининг газабдан чакчайган кўзларини, бужмайиб, хунук бўлиб кетган баҳарасини кўрдим-у, миямга ярқ этиб бир фикр келди: ие, бу одам ҳеч қанақа партия ходими, котиб-потиб эмас, ўша китобларда ўқиганимиз, кинофильмларда кўрганимиз – золим бойнинг айнан ўзи-ку!" Адид раис буванинг ташки кўринишини тасвирлаш билан бирга ўз холосасини ҳам айтади. "... – золим бойнинг айнан ўзи-ку!" гапи бу матнда кўлланган бешинчи гапдир. Китобнинг 92-бетида келтирилган матнда котиб ҳатти-харакатлари

орқали унинг асл моҳияти очилган ва сўнг "– золим бойнинг айнан ўзи-ку!" холосасига келинган. Бу гапда уюшиқ тўлдирувчи, аникловчи ва юкламалар, қисмларнинг ўз ўрнида кўллангани ушбу бутунликнинг қанчалик ўйлаб тузилганидан дарак беради ҳамда шунинг учун бошқа жумлалар каби бу жумла ҳам, адид ишлатган ўхшатиш (котиб – золим бой) лар ҳам ўқувчининг эсидан чиқмайди. Шу гапнинг минимал қолипини қўйида берамиз: W<sub>1</sub>Pm<sub>1</sub>=-ди+-м-у, W<sub>2</sub>Pm<sub>2</sub>=-ди: S(W<sub>3</sub>W<sub>4</sub>)Pm<sub>5</sub> W<sub>5</sub>Pm<sub>5</sub>=-ган+-и+-миз, W<sub>6</sub>Pt<sub>6</sub>=-ган+-и+-миз – W<sub>7</sub>Pt<sub>7</sub>! Гапнинг қолипи устоз усталик билан тузган жумлани кўрсатмоқда, яъни юкорида айтилган уюшиқ занжирлар-у юкламалардан ташқари қўшма гап қисмлари ва уюшиқ кесимли содда гапни умумлаштирувчи бирлик – миямга ярқ этиб бир фикр келди гапи ҳам кўлланган. Синтактик бирликлардан мана шундай ҳамоҳанг ҳолда фойдаланиш, уларни ўз жойига қўйиш ҳар қандай калами ўткир ёзувчининг ҳам кўлидан келмайди.

Муҳтарам устоз Озод ака Шарафиддинов олим ва инсон сифатида ҳам кенг қамровли шахс эди. У киши қизиқмаган, ўлламаган соҳалари бўлмаса керак. Устоз она тилимиз қадрини баланд кўйиб, уни камситган ёки билиб-бilmай тузатишга, янги сўзлар олиб киришга харакат қилганларни аямас эдилар. Она тилимиз қадрини билган, севган инсонни устоз ҳам севарди. Китобнинг 263-бетида улуғ бобомиз Алишер Навоийнинг 525 йиллик таваллуд куни нишонланганни тасвирланган. Шу мажлисда саркотибининг рус тилидаги нутқидан кейин "...мажлисдан самимият қочган эди, аввалги кўтаринки руҳ сўнган эди". "Санкт-Петербурглик шарқшунос олим, Навоий шеърларининг тидқиқотчиси ва таржимони Сергей Николаевич Ивановнинг" – Ўртоқлар!", деган соф ўзбек тилида, соф ўзбекча оҳанѓда, ҳатто бошқа ҳалқлар ҳамисиша талаффуз қилинига қийналадиган "к" товушини ҳам бузмай айтилган шу биргина oddий, жўн, камсуқум ва хокисор сўзи бутун зални портлатиб юборгандек бўлган эди". "...Мана, ҳозир ҳам – ҳамма тинчгина керакли тилда, керакли гапларни гапириб турган бир шароитда бу олим "ўйинбузуқилик" килиб туриди. Унинг юртида буюк сўз санъаткорига, уни яратган ҳалқка хурмат - эҳтиромгина эмас, балки унинг тилини менсимай, ўзбекнинг қадрини камситган "мутасаддилар"га таънадашном ҳам бор эди. С.Н. Иванов нутқини охиригача ўзбек тилида гапирди. ...шўро замонида мажлислардан кувилган они тилимиз лоақал битта нутқда мажлисга қайтгани учунми, буюк бобомизнинг ўша тўйи тўйдек бўлди". Муҳтарам устоз нотўри танланган номлар ("Ўздунробита", "Ўзбекокава"...), эга билан кесим, қараткич билан тушум келишиги фарқланмаслиги, қўшма гаплар тузишида пала- partişliklar, услубнинг нозик жиҳатларига

сира эътибор берилмаслиги ҳақида алоҳида фикр юритадилар. Телерадио каналларида берилаётган кўрсатув ва эшиттиришлардаги ғализликлар устоз эътиборидан четда колмади ("Ғализлик ва ноаниқликда биринчи ўринга муносаб!" ва б.). Шунингдек, устоз она тилимизнинг сўз бойлиги, яратилган ва яратилмаган лугатлар ҳақида фикр юритадилар. Адиб "...тилни кандай парваришлаш керак? Нима қилиб тилни ҳимоя қиласа бўлади?" деб савол кўйиб, ўзлари жавоб берадилар: "Мен аминманки, она тилимизни ҳимоя қилиш уни теран ўрганишдан бошланмоғи лозим". Бу улуг инсоннинг она тилимиз ҳақидаги фикрларини ўкиб, ўз фаолиятимизда тўғри йўлдан бораётганимизга яна бир бор амин бўламиз. Севимли бобомиз Алишер Навоий асарлари таржимони, шарқшунос олим С.Н. Иванов уруш йилларида Бухоро шахрида яшаб, педагогика институтида менинг дадам ва ойим билан бирга ишлаганлар, оиламиз аъзоси эдилар. Мен учун бу олим оддийгина "дядя Серёжа" бўлганлар. Биз учун азиз бўлган шу инсон ўз шогирди Ленинград Давлат университети шарқшунослик факультетини тутатган Ҳ.Ғ. Нельматовга ўзбек тилини моҳиятган (зотий) тадқиқ этишини, ҳар кандай бошқа тиллар қолипларидан халос қилиш лозимлигини уқтириб, буюк Алишер Навоий тилини юксалтиришни вазифа қилиб кўйдилар. Берилган топшириқ Ўзбекистон таълим вазирлиги раҳнамолигида бажарила бошланди, рус тили қолипидан холи бўлган дастурлар тузилди, 1989 йилда Ўзбек тили Доимий анжуманида муҳокама қилинди ва тасдиқланди. С.Н. Иванов зотий йўналиш учун курашда бардам туришни ўз шогирдига яхшигина уқтирган эканки, совет тилшунослигининг таркибий қисми бўлган формал ўзбек тилшунослиги тубдан ўзгартирилди. Формал тилшуносликда таълим тизимида билимдон ижрочи шахсни этиштириш мақсади кўзланган эди. Мустақиллик шарофати билан С.Н. Иванов тавсия этган зотий йўналиш мустақил фикрловчи ижодкор шахсни этиштириш мақсадини кўя олди. Устоз О.Шарафиддинов она тилимиз ҳақида куюниб гапирганлари, ҳамма учун, хусусан, тилшунослар учун "Она тили гулга ўхшайди. Аммо гул бирорвнинг кўлида бир зумда сўлиб колади.

...Келинглар, ҳар биримиз имконимиз борича она тилимизни яшнатайлик", деб мурожаат қилганлари доимо дастуруламал бўлиб хизмат қилиши керак. Ҳозирда формал (В.В.Виноградов – А.Ғ.Фуломов) йўналиши заминида вужудга келган формал-функционал (зотий-субстанционал) йўналиш – Мустақиллик берган неъматдир. Бу йўналишда ўқув қўлланма, дарслик, монографиялар яратилган ва унинг ютуклари немис тилшунослари томонидан ҳам тан олинган.<sup>4</sup>

Устоз О.Шарафиддинов ҳаёти ва фаолияти ҳақида канча гапирсак ҳам оз. Адиб асарларида кўллаган жумлаларнинг давр, воқеа-ходиса ва қаҳрамонлар ташки киёфаси, феъл-атвори тасвирида, она тилимиз бобидаги фикрларни ифодалашда канчалик жозиба берганини кўрдик. Мухтарам устоз табиат манзаралари, инсон ички хис-туйгуларини ниҳоятда чиройли ифодалайди. Мақолаларни ўқиётганда домланинг ўзларига хос шундай ажойиб ифодаларга дуч келасиз-ки, ёмон бўлган кайфиятингиздан асар ҳам қолмайди. Адиб ўз асарида нималарга дикқат қилганини, нималарнинг тасвирини берганини қуидаги чизмада келтирамиз:

### ЛитератураЖ

<sup>1</sup> Нормуродов Р.У. Шукур Холмирзаев асарларининг тил хусусиятлари. Филол. фан. номз...дисс. автореф. Т., 2000; Йўлдошев М. Чўлпои бадиий тил маҳорати. Филол. фан. номз.-дисс. автореф. Т., 2000; Юлдашев Б. Язъш и стиль произведений Саид Ахмада. Автореф. дисс. канд. филол. наук. Т., 1979; Самадов К. Ойбек тил маҳоратининг баъзи масалалари. Фшюл. фанл. номз...дисс. автореф. Т., 1967; Турабекова С.Faafur Ғулом поэмаларининг тиля ва стили ҳақида. Филол. фан. номз...дисс. автореф. Т., 1961.

<sup>2</sup> Курбанов Т.И. Публицистический стиль современного узбекского литературного языка. Автореф. дисс. канд. филол. наук. Т., 1987.

<sup>3</sup> Жумабаева Ж.Ш. Мустақиллик даври публицистик асарлардаги кўшма ганлар талкини (И.Каримов ўзбек ва инглиз тилидаги асарлари асосида). Филол. фапл. номз.. дисс. автореф. Т., 2006.

<sup>4</sup> Сайфуллаева Р. Тан олинган тадқиқот. «Ўзбекистон овози», 2008 йил 29 январь, 13 (27, 818)-сон.

Рецензент: д.филол.н., профессор Байгазиев С.Б.